O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 21-mart • Shanba • 34 (27.995) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



❖ Байрам шукуҳи

Шу кунларда мамлакатимизнинг қайси бир вилоят, туман, маҳалла гузарида бўлманг Наврўз тантанаси устидан чиқасиз. Мир Алишер Навоий номи билан аталувчи кенжа вилоятда бугун чинакам байрам, чинакам шодиёна. Айниқса, Зарафшон, Навоий, Зафаробод шаҳарларидаги байрам шукуҳи, тантаналари қалбларни тўлқинлантиради.

САЙИЛЛАР САЙИЛГА УЛАНДИ

— Куни кеча «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Электрокимё», Машинасозлик заводларида Наврўз байрами кенг нишонланган бўлса, бугунги дам олиш кунида Кон металлургия комбинати, «Навоийдонмаҳсулот» ва «Навоийпахтасаноатсотиш» акционерлик жамиятларида элга ош, халим, ҳалиса, сумалак тортилаяпти, — дейди Навоий вилоят ҳокими ўринбосари С.Самадов. — Фақат корхона ва ташкилотлардагина эмас, шаҳарнинг маҳалла ва гузарларида ҳам, Меҳрибонлик уйларида ҳам анъанавий Наврўз шодиёналари бўлиб ўтмоқда.

Дарҳақиқат, вилоятдаги Алишер Навоий хиёбони дейсизми, «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият саройлари дейсизми, «Дўстлик», «Навоий», «Кармана» кинотеатрлари дейсизми, ҳамма-ҳаммаси гавжум. Наврўз сайлига, қадимги урф-одат ва қадриятларимизга оид турли тадбирлар, театрлаштирилган томошалар ҳамда баҳорни тараннум этувчи диловар концертлар бўлиб ўтмоқда.

— Асл қадриятлар, ўтмиш анъаналар қайтганига, гўжа, ёвғон, мошхўрда, кочи, ғилвинди сингари энг қадим иликтўлди таомлар дастурхондан яна ўрин топганига шукрона келтираман, — дейди навбаҳорлик 94 ёшли меҳнат ва уруш фахрийси Зайни ота Жумаев. — Буни юрт тўкинлиги, эл тотувлиги, деб тушунмоқ лозим.

— Қадим ўйинларимиз — ўтинёрди, арқонтортди, қизқувди, белолди, тизчўкди, чилликчалди, толбаргтақди каби мусобақаларни ҳозирги ёшларга ўргатсам, — дейди карманалик Тош бобо Туробов. — Қорахамир қайишини, кесганошини еб, омочда ер ҳайдаб, узоқ умр кўрдим. Ҳозир 90 дан ўтган бўлсам-да асосий овқатим — ғўлиноб, қаттиқайиш, қадипичак, шўрабарак.

Шундай фикрларни Наврўз сайлида завқ-шавққа тўлиб юрган Абдуқодир ҳожи Шамиевдан, Бойпўлат ҳожи Шариповдан, Рашид ҳожи Мирзаевдан ҳам эшитдик. Пири бадавлатларимиз дориломон, осойишта кунларга шукроналар айтиб, дуога қўл очишди. Ён-атрофга, одамларнинг юз-кўзига қараб, хаёлга бир фикр келади: юртимиз йил сайин чирой очиб, янгиланиб бормоқда. Наврўзимиз янада яшараяпти, янада кўркамлашаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

НАВРЎЗ КЕЛДИ

Кеча-кундуз бирлашиб,
Само билан сирлашиб,
Офтобу Ой дилдашиб:
«Уйғон!» — деган сўз келди,
Гул билан Наврўз келди.

Ўпиб тоғлар тошини,
Кун кўтарар бошини,
Мажнунтолнинг сочини
Ўрадиган чоғ келди,
Гул билан Наврўз келди.

Юртнинг қиру боғига,
Кенг сахий қучоғига,
Мунис ўрик шохига
Яна кулгу ноз келди,
Гул билан Наврўз келди.

Кафтимда унар доним,
Кўкка пайванддир жоним,
Чоғлан бобо деҳқоним,
Ризқ унар фурсат келди,
Гул билан Наврўз келди.

Жасур ҲУСАНОВ

ЯНГИ МАҲСУЛОТ СОТУВДА

Байрам арафасида Пахтаобод туманида янги ишга тушган «Пахтаободшифер» очиқ турдаги акциядорлик жамияти илк маҳсулотларини сотувга чиқарди. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона Хитойнинг «Ntw Centry Co.» компанияси томонидан жиҳозланган бўлиб йилига 240 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳозирда корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни йўлга қўйиш ва харидорлар эҳтиёжини қондириш йўлида келгусида амалга оширилиши мўлжалланган режалар устида иш олиб борилмоқда.

«Туркистон-пресс»

КЎРГАЗМА ЯКУНИГА ЕТДИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Bazar-Art — 2009» кўргазма-ярмаркаси якунланди.

Миллий ҳунармандликни янада ривожлантириш, бу йўналишдаги анъаналарни оммалаштириш ва халқ амалий санъати усталарини рағбатлантиришда ижодий кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазма-ярмаркаларнинг аҳамияти катта.

«Bazar-Art — 2009» кўргазма-ярмаркаси ана шундай ижодий лойиҳалар сирасидан. Лойиҳа миллий меросимизни асраб-авайлаш, анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасида ҳунарманд ва усталарнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Уч кун давом этган кўргазма-ярмаркада халқ амалий санъати ихлосмандлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган усталарнинг ижод намуналари билан танишиш имконига эга бўлди. Ярмарка доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, концертлар, тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

Кўргазма-ярмарка якунига кўра ҳунармандлар турли номинациялар бўйича тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)
Сурат муаллифи Р.ШАГАЕВ (ЎзА).

❖ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОТА ИЗИДАН БОРАЁТГАН ЁШЛАР

ҳалол меҳнати билан ўз хонадони, ўз қишлоғини обод этмоқда

Улар ҳақида ЎзХДП Шаҳрисабз туман кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси Маърифат Бурхонова фахрланиб гапириб берганди. Ёшларнинг ишлари, бу қишлоқлардаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриш нияти туғилди.

— Тўққизта қишлоғимизда 8,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаяпти. Уларнинг 60-65 фоизи ёшлар, — дейди «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар кенгаши котиби Абдувосе Самадов. — Собиқ ширкат 1200 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлса, энди ер фермерлар қўлида. 60 гектар боғимиз бор.

2-бет >

Суратда: *(чапдан ўнгга) Темур, Миржалол, Миркамол Боймуродовлар ва ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Мансур Остонов*

✓ ЎзХДП ҳаёти

КЎНГИЛ ҚАДРДАН ЮКСАЛАР

Тўрақўрғон туман партия кенгаши Наврўз байрами арафасида бир қатор тадбирлар ўтказди.

Туман партия кенгаши раиси Орифжон Охунов бошчилигидаги ХДП фаоллари Ёртепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган Наврўз тантаналарида иштирок этдилар.

— Партия ходимлари барча тадбир олдидан, байрам, турли саналар муносабати билан қишлоқ жойларидаги меҳнат фахрийлари, электорат вакиллари ҳолидан хабар олиб, уларга совға-салом улашади. Бугунги тантана ҳам меҳнат фахрийлари Нозимжон Қозоқов, Йўлдошхон Нажимов, Мансурхон Валиевларни йўқлаш билан бошланди, — дейди ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежи ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Ҳакимжон Неъматов.

Байрамларимиз гўзал. Халқимизнинг урф-одати, бир-бирига кўрсатаётган меҳр-муҳаббати эса унданда гўзал. Ҳа, кўнгил қадрдан юксалади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Мен нега ЎзХДПни танладим?

• АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

2-бет >

• АЛИ ҚУШЧИНИНГ УМУМБАШАРИЙ ХИЗМАТИ

Фурсатдан фойдаланиб, Мирзо Улуғбекнинг энг истеъдодли шогирди Али Қушчи қабрини зиёрат қилиш ниятимни амалга оширмоқчи бўлдим ва ниятимни форумга таклиф қилган ҳамкасбимга ёзиб юбордим...

3-бет >

• НОВДАЛАРНИ БЕЗАР ГУНЧАЛАР

Бундай гўзал манзара табиатнинг ажиб мўъжизаси... Ишонмайман дейсизми, унда Чимёнга келинг, «Ўрик гули» сайлида иштирок этинг.

4-бет >

ОТА ИЗИДАН БОРАЁТГАН ЁШЛАР

ҳалол меҳнати билан ўз хонадони, ўз қишлоғини обод этмоқда

Одамлар 164 гектар томорқа еридан фойдаланиб келишаяпти.

— Ана шулар, ёшлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Мен асли «Занги» қишлоғиданман, — дейди Абдувосе ака. — Жами 12 сотих томорқамиз бор. Болаларим ёнимга киришган. Ҳар йили сабзавот экиб, 1,5-2 миллион сўм даромад оламиз. Кейин чорва бор. Эртачи памидор, бодринг, карам, картошка бизда битади. Олайлик ҳамқишлоғимиз Рашид Холматов ҳовлисидаги иссиқхонада лимон етиштираяпти. Оқдарё қишлоғида яшаётган Турсунпўлат Холиқов 10 сотих жойда иссиқхона қурган. Ўтган йили яхшигина даромад қилди азамат. Хўп, янгича фикрлайдиган ёшлар дейсизми? Унда, тўғри Янгибоғ қишлоғига боринг. Азамат Боймуродовлар оиласи билан танишинг.

Янгибоғ қишлоғи анча обод экан. Қишлоқ кўчалари кенг. Дарахт, тераклар қатор бўй чўзган. Улар вақти келиб янги уйлар қурилишига ишлатилади. Азамат Боймуродовнинг ҳовлиси олдида янги тераклар тиркамаси билан турибди. «Халқ банк»и кредити билан янги «Енисей» комбайни ҳам сотиб олишибди.

Барваста Азамат ака Боймуродов хуш-хандон сўрашади. Ҳозир 76 гектар ерда деҳқончилик қилаётган «Жийронқашқа» фермер хўжалигига унинг катта ўғли олий маълумотли зоотехник, ХДП аъзоси Шокиржон Боймуродов етакчи экан.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида ҳозир 120 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Бир кунда 500 килограмм сутни қайта ишлаб, пишлоқ тайёрлайдиган кичкина корхона ҳам қуришибди. Ўтган йили 17 миллион сўм фойда олишибди. Яна бир пахта ва ғалла етиштираётган фермер хўжалигига укаси Миржалол раҳбар. Азамат ака 6 ўғил, 3 қизни улғайтирибди. Оталари изидан бориб, Шокир, Миржалол, Миркамол, Темур Боймуродовлар ХДП аъзоси бўлишибди.

— Ҳамма гапни дадам билади, — дейди Шокиржон. — Яхши ишласак, яхши яшаймиз. Узр, ғаллани озиқлантириш учун ўғит керак эди, кимё ташкилотига бораяпман. Дадам, укаларим далаларни кўрсатишади...

— Шокиржон партиямизнинг фаол аъзоларидан, — суҳбатга қўшилади ХДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Мансур Остонов. — Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб келаяпти. Майли, ишдан қолмасин, ўзимиз далага боравeрамиз.

Азамат ака ҳозир «Агромашлизинг» компаниясининг Шаҳрисабздаги бўлими бошлиғи ёрдамчиси бўлиб ишларкан. Аммо катта ҳаёт тажрибасига эга. Умрининг ўтолов йиллари далада ўтган эмасми, фарзандлари қилаётган ишдан доим хабардор бўлиб тураркан. У билан бирга далага етиб келдик. Янги 2,5 гектар жойда боғлари ҳам бор экан. Азамат ака ўғилларига олма дарахтининг фазилатлари, шакл бериш усуллари ҳақида ўгит бера бошлади. Дарахт танасини меҳр билан силар экан, кўнглини очди:

— Ёшим бир жойга етди, аммо далалардан кўнгил узолмайман. Президентимизга минг раҳмат! Бугун қишлоқларда бўлаётган ўзгаришлар шу кишининг эътиборидан. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги режалари ҳам кўнгилларида ўйлаб юрган қутлуғ ниятлари экан-да. Ҳали кўп яхши кунлар келади. Мана, шу ёшлар қўлимиздан ишни олишаяпти. Демак, яна кўп янгиликлар, қутлуғ ишлар уларнинг чекига тушган.

— Биз бир гектар жойда иссиқхона қурмоқчимиз, — суҳбатга қўшилади Миржалол Боймуродов. — Хитойдан келтирилаётган иссиқхона бутун туриши билан 50-55 минг АҚШ доллари тураркан. Энг муҳими, қуёш энергияси билан исийдиган мосламалари бор эмиш. Ҳозир ер танлаб, текислаяпмиз. Энди Халқ демократик партиясига келсак, ўзимиз танлаб, аъзо бўлдик. Ёшим, кучимиз етарли, нимани орзу қилсак эришамиз. Фақат астойдил меҳнат қилиш керак.

Миркамол, Темур бош силкиб гапни маъқуллашади.

Аниқ мақсад билан астойдил изланаётган, ўз уй-жойлари, қишлоқларини обод, турмушларини фаровон қилаётган бу одамларга қараб туриб, меҳнат қилган кам бўлмаслигига яна бир бор имон келтирасан киши.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нукус шаҳридаги «Қизил қум» маҳалласида Наврўз айёми кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Дошқозонларда сумалак пиширилиб, баҳорий қорақалпоқ миллий таомлари тайёрланди.

Суратда: *шодиёналардан лавҳа.*

А.КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ШОДЛИК-ҚУВОНЧ ЭГИЗАК

Бу йилги Наврўз байрами Бухоро туманидаги Мижона қишлоғи аҳлининг эсида узоқ вақт сақланадиган даражада нишонланди. Сабаби — ҳамқишлоқлар 42-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Маҳбуба Муҳаммадованинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганини ҳам қўшиб байрам қилдилар.

— Дунёнинг бирорта мамлакатида мактаб ўқувчисининг бундай Давлат мукофоти билан тақдирланишини кўриш амри маҳолдир, — дейди Маҳбубанинг онаси Саида Очилова. — Бизда ёш иқтидорларга бўлган эътибор ва уларнинг қўллаб-қувватланиши юксак даражага кўтарилгани, ҳаммамизнинг, айниқса, оналарнинг қувончу бахти эмасми!

Туман партия кенгаши байрам арафасида ўндан зиёд кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига совға-саломлар улашди. Бухоро шаҳар партия кенгаши ходимлари ўнлаб юздан ошган онахонлар яшайдиган хонадонларда бўлиб, уларга меҳр улашибгина қолмай, балки аср ошганларнинг умр йўллари ҳақида видеороликлар тайёрладилар.

Бухорода 997 та меъморий ва археологик ёдгорлик мавжуд. Улар шу қадимий замин ўтмиши, халқимизнинг юксак маънавияти, бебаҳо санъати, умрбоқий миллий анъаналаридан гувоҳлик беради. Шундай улуғ қадамжоларда ҳам байрам тадбирлари умумхалқ сайлига айланди. Хусусан, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида дошқозонларда халим, сумалак, ҳалиса пиширилиб, элга тарқатилди. Хуллас, Бухоронинг ҳар бир кентида байрам шоду хуррамлик билан ўтмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

НАВРЎЗ — ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ билан суҳбатлашди.

— Элчи хоним, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Миср расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида Ислом Каримов ва Миср Араб Республикаси Президенти Хусний Муборак ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида атрофлича фикр алмашди. Учрашувлар чоғида имзоланган қатор ҳужжатлар икки мамлакат халқларининг манфаатига хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Миср халқаро ташкилотлар, хусусан, Ислом конференцияси ташкилоти ва ISESCO доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, улар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамият касб этаётир. Айни пайтда биз иқтисодиёт, таълим, сайёҳлик, авиаташувга оид ҳамда товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишга қаратилган қатор қўшма лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз.

— Ўлкамизга Наврўз кириб келмоқда. Сиз уни қандай кутиб олмоқдасиз?

— Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юраги. Бу ажиб ва муқаддас замин халқи неча асрлардан буён ўзининг беназир маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари билан инсониятни ҳайратга солиб келади. Халқларимиз қалбан бир-бирига яқиндир. Зотан, ўзбеклардаги меҳр-оқибат, бағрикенглик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик ҳамда ўз тарихи ва бугуни билан фахрланиш ҳисси каби гўзал фазилатлар мисрликларда ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда барча байрамлар ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Мамлакатингиздаги фаолиятим давомида бунга ўзим кўп бор амин бўлганман. Атроф гуллар билан бурканган, гўзал табиат ўзининг чиройини кўз-кўз қилаётган, кўклам нафаси уфуриб турган кунларда, уйғониш ва яшариш фасли бўлмиш баҳорда юртингизда катта тантана билан нишонланадиган Наврўз эса кишига ўзгача завқ бағишлайди. Бу байрам юртингиздаги тинчлик-осойишталик ва тўкин-сочинлик рамзидир. Наврўзни барча қатори мен ҳам орзиқиб кутаман. Мисрда ҳам 21 март санасини баҳор боши ҳамда Оналар куни сифатида нишонлаш анъанага айланган.

— Халқимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Пойтахтимиздаги ўзгаришлар ҳақида фикрингиз?

— Дарҳақиқат, юртингизга келган киши унинг сайёҳлик салоҳиятига тан бериши шубҳасиз. Айниқса, пойтахтингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари диққатга сазовор. Ўзбекистонга келганимга уч йил тўлаётган бўлса-да, бу ердаги муттасил ўзгаришлардан ҳамон ҳайратланаман. Азим Тошкентдаги бетакрор меъморий обидалар ва сержило тарихий ёдгорликлар, кўркам ва замонавий меҳмонхоналар, маҳобатли иншоотлар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар, ҳашаматли спорт мажмуалари ҳар қандай кишида бой таассурот қолдиради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингиз раҳбарияти аждодлардан қолган улкан меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга ошираётган эзгу ишлари туфайли ҳам бугун Ўзбекистон изчил ривожланиб, нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Аллоҳ назари тушган ушбу муқаддас замин келгусида янада тараққий этишига шубҳа йўқ.

ЎзА мухбири
Мадина УМАРОВА
суҳбатлашди.

❖ ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

БАЙРАМ ТАНЛОВИ

Халқимиз азалдан янгиланиш байрами — Наврўзни катта тантана, шодиёна, шоду хуррамлик билан ўтказиб келади.

Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгаши ҳам байрамни муносиб нишонлаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этмоқда. Тадбирлар доирасида кўрик-танлов ташкил этилиб, йигит-қизлар бир нечта шартлар бўйича беллашишди. Дастлаб қизлар миллий либосларимиз ҳақидаги билимлари, миллий таомларимизни тайёрлаш борасидаги маҳоратларини намойиш этди. Шундан сўнг йигитлар кураш, отчопар, улоқ қочди каби халқ ўйинлари бўйича куч синашдилар.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Партия кенгаши фаоллари иштирокида шаҳарнинг барча маҳаллалари, меҳнат жамоаларида байрам тадбирлари давом этмоқда.

Фотима МАМАРАСУЛОВА

❖ Мен нега ЎзХДПни танладим?

АМАЛИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

Айни кунларда Денов туманида 91 та умумий ўрта таълим, 57 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бешта ихтисослашган мактаб-интернатлар мавжуд. Қирқ мингдан ортиқ келажагимиз ворисларига 5 мингга яқин устоз таълим-тарбия беради. Педагог-мураббийларнинг минг нафарга яқини партиямиз аъзоси. Уларнинг сафи эса кундан-кун ортиб бораяпти.

Тумандаги 78-умумий ўрта таълим мактабида 1216 нафар ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар муҳайё. 78 нафар тажрибали ўқитувчи ўқувчи-ёшларга фан сирларини ўргатаётир.

Куни кеча партия туман кенгашида ёш ўқитувчиларнинг бир гуруҳи партиямиз сафига қабул қилинди. Кенгаш раиси Абдуолим Бўриев уларга аъзолик гувоҳномаларини топширди.

— Устозларнинг кўпчилиги партиямиз фаоллари, — дейди мактаб директори Дилбар Йўлдошева. — Бугун сафимизга кўплаб ёшлар қўшилмоқда.

— Яқинда иш бошладим, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Равшан Боймуродов. — Ёшларга таълим-тарбия бериш болаликдаги орзуим эди. Термиз Олимпия захиралари коллежини тугатганимдан сўнг армия сафида йигитлик бурчимни адо этдим. Келажакда ватанимиз ёшларини кучли, доно бўлиб вояга етишларида ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Дўстларим билан дастлаб ХДПнинг Дастур ва Низоми билан чуқур танишдик. Партия илгари сураётган ғоялар кўнглимиздан жой олди. Шунинг учун биз ЎзХДПни танладик.

— Жойларда ўтказилаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Бўри Фармонов. — Кундан-кун сафимиз кенгайиб, тарафдорларимиз ортиб бормоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муҳаммади ЖУМАЕВ олган сурат.

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд туманидаги «Самтехлойиҳақурилиш» хусусий корхонаси бир неча йиллардан бери иншоотлар қурилиши, реконструкция ишлари билан шуғулланиб келади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан корхона қошида яна иккита ишлаб чиқариш цехи иш бошлади. Айни кунларда бу ерда туманнинг Мулиён маҳалласида яшовчи 40 нафар ёш меҳнат қилаяпти. Корхонада матбуот тарқатувчи киоскалар, «Акфа» дераза ромлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлмади. Шунга қарамасдан ҳозиргача қарийб 30 миллион сўмлик 30 га яқин киоскаларни буюртмачиларга етказиб бердик. Маҳсулотларимизга нафақат вилоятдаги шаҳар ва туманлардан, балки қўшни Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятларидан ҳам харидорлар кўп, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Ҳотамов. — «Акфа» дераза ромлари тайёрланадиган цехимизда 10 га яқин маҳалла ёшлари меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ойига 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Келгусида корхонамиз қошида «Профнастин» тайёрлайдиган цех, қурилиш материаллари билан савдо қилувчи 40 та дўкон, сервис хизмати кўрсатувчи марказ ҳам ташкил этилади. Натижада 60 га яқин янги иш ўрни барпо этилади.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Суратлар муаллифи Ҳусан ТЎҒИЗОВ

— Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бугунги кунда вилоятда тахминан 70 минг киши ишсиз бўлиб айниқса, Оҳангарон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон каби қатор туманларда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи қониқарсиз аҳволда эканлигини қаттиқ танқид қилганди, — деди яқинда оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан бўлган брифингда вилоят ҳокими Рустам Холматов. — Биз бу йўналишда кескин чоралар кўриб, вилоят салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирози кучайган чоғда ҳам бандликни таъминлаш учун янги-янги корхоналар, қўшма корхоналар, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасини кенгайтиришга, меҳнатнинг янги тури — касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор бераяпмиз.

Тошкент вилояти:

САЛОҲИЯТГА ЯРАША ИШЛАР

Масалан, — давом этди ҳоким, — давлат дастурида белгиланган 52 мингта ўрнига 85 мингта янги иш ўринлари яратишни мақсад қилдик. Булар мавсумий иш ўринлари эмас, балки муқим, турғун, нақд иш ўринлари бўлади. Лекин, биласиз, янги иш ўринлари учун янги корхоналар, қўшма корхоналар, янги-янги хизмат кўрсатиш тармоқлари вужудга келиши керак. Бунинг учун эса хорижий инвестицияларни жалб этишга эришмоқ жуда-жуда муҳим. Аммо, ҳозирги жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози шароитида бу осон иш эмас... Биз шундай кезда ҳам Наврўз ойлиги кунларида 37 та лойиҳага кўра янги корхоналар қурилишини тезлаштириб, барвақт фойдаланишга топширишни кўзлаб турибмиз. 9 та йирик корхонамизда кенг модернизация ишлари кетмоқда...

Дарвоқе, брифингда журналистлар берган саволларга ҳокимдан олинган жавоблардан маълум бўлдики, вилоят салоҳияти даражасида кўзланган марралар йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бермоқда. Масалан, ҳозир вилоятда жаҳонга машҳур «ЖМ» — «Женерел Моторс» компанияси фирмаси иш бошлади. Фирма билан ҳамкорликда йўлга қўйилиши кўзда тутилган автосаноат корхонаси экспорт учун автодвигателлар тайёрлайди. Пировардида, бу ерда 1200 та янги иш ўринлари вужудга келади. Оҳангаронда Швейцария билан ҳамкорликда тикланаётган ғишт заводи, Оҳангарон туманида Германия иштирокида цемент заводи, Янгийўлда худди Чиноз «Texstil»га ўхшаш Швейцария технологияси билан жиҳозланган (500 иш ўринли) пахта тозалаш заводи... ҳаммаси бандлик дастури ижроси таъминланишига хизмат қилади.

Эътиборли жиҳати, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига иқтисодий инқироз соя ташлаб турган бир пайтда Ўзбекистонга, жумладан, Тошкент вилоятига хорижий сармоялар кириб келиши суръати ва даражаси сусайгани йўқ. Зеро, вилоят салоҳиятига муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, вилоятда баҳор фасли каби ёшариш, янгиланиш «фасли» бошланмоқда.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

✓ **22 март — Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун**

АЛИ ҚУШЧИНИНГ УМУМБАШАРИЙ ХИЗМАТИ

Ўтган йилнинг ёз ойларида Туркиядаги Бўғозичи университетидан Жаҳон обсерваториялари форуми ишида «Улуғбекнинг Самарқанддаги обсерваторияси» мавзусидаги маъруза билан қатнашишга таклифнома олдим. Фурсатдан фойдаланиб, Мирзо Улуғбекнинг энг истеъдодли шогирди Али Қушчи қабрини зиёрат қилиш ниятимни амалга оширмоқчи бўлдим ва ниятимни форумга таклиф қилган ҳамкасбимга ёзиб юбордим. У мени аэропортда кутиб олганида Али Қушчи қабрини кўрсатадиган одам билан келишиб қўйганини ва биз ҳозироқ боришимиз мумкинлигини айтди.





Маълумки, Али Қушчи Самарқанддан Истанбулга 1472 йилда борганида Айя Софйя мадрасасида бош мударрис лавозимига тайинланган ва 1474 йилда Туркияда вафот этган. Биз ҳамкасбимнинг машинасида Али Қушчи дафн этилган Аюб Султон (туркчасига Эюб) масжиди томон йўл олдик. Масжид Истанбулнинг Европа қисмига кириб борган узунчоқ кичик бўғознинг ичкарисида жойлашган бўлиб, шакли туфайли уни «Халич» (яъни, катта бўғознинг «шохи») деб аташар экан. Ҳамкасбим билан Аюб Султон масжиди ҳовлисининг бир чеккасида жойлашган кичик қабристон ёнига бордик. Қабристон панжара девор билан ўралган бўлиб, унинг эшиги берк эди. Атрофдаги қалин дарахтлар барглари Қуёш нурларини тўсган бу ерда ташқаридан фарқли ўлароқ қандайдир сирли сукунат ҳукм сурарди. Келганимиздан хабар топган масжид ходими етиб келиб эшикни очди ва бизни ичкарига таклиф қилди. Бу ерда мармартошлар билан безалган 150-200 қабр бор. Мармар тошлар шунчалик зич жойлашганки, уларнинг орасидан ўтиб бориш анча қийин. Бу ерга дафн этиш кўп асрлар олдин тўхтатилган.

Қабрлар орасидан ўтиб Улуғбекнинг шогирди ва сафдоши бўлган, ўз замонасининг Птолемейи деб ном қозонган, бутун Шарқда машҳур бўлган буюк астроном, лекин ўз Ватанидан йироқда, мусофирликда қолиб кетган Али Қушчи қабрига яқинлашар эканмиз мени қандайдир ғамгин кайфият босди. Хаёлимдан саволлар тўхтовсиз ўтади: нега у ватанини тарк этди?! Ахир у оддий халқ орасида ҳам, ҳукмдорлар орасида ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди-ку? Истанбулда у икки йилга етар-етмас умр кўрибди. Жомий уни кекса ёшда иқлимни ўзгартириш саломатликка ёмон таъсир қилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирган эди-ку?

Аюб Султон масжиди ходимининг тиловати ҳам кайфиятимга ҳамоҳанг ғамгин бўлиб чиқди. Зиёрат якунланди. Мен ҳамкасбимга бу ерда яна бироз турмоқчи эканлигимни айтдим. Шундан сўнг Али Қушчи қабри ёнида бир ўзим қолиб, чуқур ўйга толдим...

Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг расадхонани бошқариш ишлари тўлиқ Али Қушчининг зиммасига тушди. У бир неча илмий рисолалар ёзди ва Улуғбек мактабининг энг ёркин намояндаси сифатида катта обрў-эътибор орттирди. У Насриддин Тусийнинг «Зиж»ига ёзган шарҳини Султон Абу Саидга тақдим этганида саройда тантанали равишда қабул қилинди ва унга 50 минг динор ҳадя этилди. Шундай ҳурмат-эътиборда бўлган Али Қушчи Ҳиротга ўзининг мадрасадош дўсти Абдураҳмон Жомийнинг ёнига Истанбулга кетишга Саройдан рухсатнома олишга ёрдам сўраб борди. Жомий ёши бир жойга борганда (Али Қушчи етмиш ёшни қоралаганди) иқлимни ўзгартириш яхшиликка олиб келмаслигини айтиб уни бу ишдан қайтаришга кўп уриниб кўрди. Лекин Али Қушчининг қарори қатъий эди. У Алишер Навоий ёрдамида рухсатнома олганидан сўнг 1470 йилда Улуғбек расадхонасидан олинган рисолалар, китоблар ва энг муҳими «Зижи Кўрагоний» нусхалари ортилган карвон билан Истанбул сари йўл олди.

Али Қушчи Истанбулда икки йилга етар-етмас умр кўрди. Бу қисқа вақт ичида у қатор шогирдлар етиштириб чиқарди. Бугунда Али Қушчи, унинг шогирдлари ва авлодларининг Туркияда астрономик илмий мактаблар яратишдаги хизмати яхши маълум. У «Зижи Кўрагоний»ни кўп нусхада кўпайтирди ва турк тилига таржима қилди. Бугун ўша «Зиж»нинг Али Қушчи дастхати билан тўлдирилган нусхалари деярли барча кутубхоналарда сақланади.

Фандаги ҳар қандай илмий кашфиёт нафақат ўзининг аниқлиги, балки яратилиш вақти билан ҳам аҳамиятлидир. Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ниҳоятда фожиали тугаганлигига қарамасдан у қолдирган илмий мероснинг юлдузи ниҳоятда порлоқ бўлиб чиқди. У телескоплар эрасидан аввалроқ энг улкан ва мукаммал астрономик иншоот барпо этди. Осмон ёритқичларини кузатиш ишларини тўла амалга оширишга, олинган маълумотларни таҳлил қилиб, жадвал шаклига келтириб, «Зижи Кўрагоний»ни ёзиб битиришга улгурди. Шу боис Улуғбекнинг илмий мактаби астрономия тараққиётининг энг юксак чўққиларидан бири эканлиги фанда аллақачон тан олинган.

Масаланинг ниҳоятда муҳим томони шундаки, Улуғбек илмий мактабининг натижалари ривожланиб келаётган Европа фанининг эътиборига ўз вақтида ҳавола этилган. Хусусан, XVI-XVII асрларда янги денгиз йўллари очилиб, буюк географик кашфиётлар қилинаётган даврда юлдузларнинг аниқ жадвалига эҳтиёж ниҳоятда катта бўлган. Улуғбекнинг жадваллари бу ишларда жуда қўл келган. Бир дақиқа тасаввур қилиб кўрайлик, агар Али Қушчи асарларни Истанбулга олиб келмаганида, уларни кўплаб нусхаларда кўчиртирмаганида бу кашфиётларнинг тақдири қандай бўлар эди?!

Али Қушчининг буюк хизматлари фақат бу билан чегараланмайди. 1998 йили Ўзбекистонга Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун АҚШдан Колумбия университетининг профессори Жорж Салиба ҳам келган эди. Ушанда у менга Али Қушчи Истанбулдаги Айя Софйя мадрасасида Птолемей системасининг камчиликларига оид маърузалар қилганини айтиб берган эди. Ушанда нега Али Қушчи «ўз замонасининг Птолемейи» деган унвон олганини тушунган эдим. Ярим йилдан кейин Жорж Салиба Али Қушчининг Улуғбек топшириғи билан айнан шу мавзуда ёзилган мақоласи таржимасини юборди. Гарчи Самарқандда тузилган «Зиж» илк бор 1643 йилда Оксфордда чоп этилган бўлса-да, Улуғбек мактабининг илғор ғоялари анча олдин, XV-XVI асрлардаёқ Европага тарқалган эди. Ҳаттоки, Коперникнинг 1543 йилда чоп этилган таълимоти шаклланишида Улуғбек мактабининг таъсири бўлган.

... Али Қушчи қабри ёнида туриб бу буюк бобокалонимизнинг тарихий хизматини, жасоратини аниқ ва равшан англадим. У ўзининг устози ва халқи олдидаги бурчини тўлиқ адо этди, Мирзо Улуғбек илмий меросини жаҳон фани хазинасига айлантиришга, шу орқали инсоният тамаддунига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Али Қушчи қабрини тарк этар эканман, улуғ бобокалонимизнинг башарият илм-фани тараққиёти йўлидаги буюк хизмати тўғрисида албатта ёзишга қарор қилдим.

Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзФА Астрономия институти директори.

✓ **Шоҳмот**

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРГА ОСОН БЎЛМАЯПТИ

Пойтахтимизда Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган 3-халқаро мусобақа давом этяпти. 4-турдан кейин барча ўйинларда ғалаба қозонган россиялик гроссмейстер Виталий Цешковский якка пешқадам бўлиб олди. 3,5 тадан очко тўплаган гроссмейстерлар — Фаррух Амонатов (Тожикистон), Сергей Волков (Россия), Юрий Кузубов (Украина), Вадим Малахетко (Беларусь), Марат Жумаев ва Сайдали Йўлдошев (иккаласи ҳам Ўзбекистондан) 2-7-ўринларни эгаллаб туришибди.

Албатта, кўпчиликни Рустам Қосимжоновнинг мусобақадаги натижалари қизиқтиради. У 3-турда Соҳиб Жўраевни мағлубиятга учратди, 4-турда умидли гроссмейстерларимиздан бири бўлган Антон Филиппов билан дуранг ўйнади ва 3 очко жамғарган ҳолда қўшимча кўрсаткичига кўра 8-поғонани банд этди. Бу мусобақа муросасиз ўтаётганидан дарак беради. Айниқса, гроссмейстерларнинг очко олиши осон кечмаяпти. Самарқандлик гроссмейстер Шуҳрат Сафин Нафиса Мўминовага ютқазгандан кейин Юлдуз Ҳамроқулова билан дуранг ўйнади. Сирдарёлик Анвар Ҳайлаев эса таниқли шоҳмотчимиз Владимир Егин билан дуранг ўйнагач, қозоғистонлик халқаро миқёсдаги спорт устаси Жонибек Омоновни енгди. Хуллас, муросасиз кечаётган ўйинларда айрим ҳолларда иқтидорли ёшлар шижоати унвонли шоҳмотчилар тажрибасидан устун келаяпти.

Мусобақа 26 март куни ниҳоясига етади.

Асрор МЎМИН



ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР
қайта тикланди

Коста-Рика ва Сальвадор Куба билан дипломатик алоқаларни қайта тиклади. Бу ҳақда Коста-Рика президенти Оскар Ариас ва Сальвадорнинг ўтган якшанбада сайланган янги президенти Маурисио Фунес баёнот берди. Бу ҳақда Лотин Америкаси оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди.

Эслатиб ўтамиз: Коста-Рика 1961 йили Куба билан дипломатик алоқаларини батамом узган. Ўша пайтда Коста-Рика АҚШ босими остида маъқулланган «Сан-Хосе декларацияси» руҳи билан яшарди. Сальвадор эса 1959 йили, яъни Кубада социалистик инқилоб ғалабасидан сўнг дипломатик муносабатларга нуқта қўйган эди.

ЖОРИЙ ЙИЛ 25 ОКТЯБРГАЧА
сайлов ўтказилиши лозим, аммо...

Қирғизистон Конституциявий суди берган баёнотда қайд этилишича, мамлакатда президент сайлови жорий йилнинг 25 октябригача ўтказилиши лозим. Аммо Қирғизистон қонунчилигига кўра, президент сайлови ўтказиладиган санани мамлакат парламенти белгилайди ва эълон қилади. Фақат сайлов санаси 4 ой олдин кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак, дейилади «Интерфакс» АА хабарида.

Мамлакатнинг амалдаги президенти Курманбек Бакиев 2005 йил 10 июлда навбатдан ташқари ўтказилган сайловда сайланган. 2005 йил мартдан июлгача эса президент вазифасини бажарган.

РЕФЕРЕНДУМ НАТИЖАЛАРИ
Конституцияга киритилган ўзгартишлар маъқулланганини кўрсатди

Озарбойжонда умумхалқ референдуми ўтказилди. Овоз беришда иштирок этганларнинг 90 фоизи мамлакат Конституциясига киритилган ўзгартишларни маъқуллади.

Асосий қонунга киритилган ўзгартишлар 29 та пунктдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида овоз берилди.

Шундай қилиб, Бош қонунга киритилган ўзгартишларнинг 101-моддасига кўра, дейилади «Интерфакс» АА хабарида, мамлакат президенти аввалгидек икки марта эмас, балки бир неча бор лавозимга сайланиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, Конституциянинг ушбу моддасини референдум иштирокчиларининг 92,17 фоизи қўллаб-қувватлаб овоз берган.

Референдумда умумий рўйхатдаги иштирокчиларнинг 71,09 фоизи қатнашди.

Айни дамда давлат раҳбари Илҳом Алиев, У 2003 йили президентлик курсисига ўтирган. 2008 йили эса қайта сайланган.

«МЕНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИМ»

Пойтахтимиздаги «Меҳр-шафқат» касб-ҳунар коллежида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган «Менинг орзу-умидларим» мавзуида танлов ўтказилди. Унда ўқувчилар ўзлари яшайдиган шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича ўз ташаббусларини тасвирий санъат ва баён ёзиш орқали намойиш этдилар.

— Ёш ҳамшираларимизнинг 700 га яқини танловда иштирок этди, — дейди коллеж хотин-қизлар қўмитаси раиси Малика Алиева. — Шулардан 114 таси тасвирий санъат йўналиши бўйича ўз ишларини намойиш этди. Ушбу расмлардан энг яхши деб топилганлари кўргазмага қўйилди.

— Мен бу танловда тасвирий санъат йўналиши бўйича иштирок этдим, — дейди коллеж ўқувчиси Зулайҳо Абдувоҳидова. — Ушбу расмимда ўз маҳалламни келажакда қандай кўришни хоҳлаган бўлсам, шундай тасвирладим. Бу менинг орзуим. Аммо бу орзулигича қолиб кетмаслигига, келажакда маҳалламиз юртимиздаги энг кўркам маҳаллалардан бирига айланишига ишонаман.

— Танловнинг якунловчи қисмига отаоналарни ҳам таклиф этдик, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Гулора Эгамбердиева. — Улар фарзандлари нималарни хоҳлашларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Иштирокчи қизлар ўз баёнларини ўқиб бердилар. Расм чизганлар ўз расмларини таърифладилар. Танлов ғолибларига ўқув қуроллари совға тариқасида берилди.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: танловдан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қашқадарё вилоят хўжалик судининг 18-0903/2498-сонли ва 18-0903/2499-сонли ишлари бўйича 2009 йил 10 мартда қабул қилган ҳал қилув қарори билан қарздор корхоналар — Китоб туманидаги «Нафис-Х» (СТИР 203429564) ва «Ургулсой» (СТИР 203820523) хусусий савдо фирмалари банкрот деб топилган ва уларга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Барча кредиторлик талаблари бўйича Китоб туман ДСИ юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимига ва фирмаларнинг суд тугатиш бошқарувчисига мурожаат этилсин. Манзил: Шаҳрисабз тумани, Ш.Орифий кўчаси, 6-уй, тел: 526-45-75.

Талабларни тақдим қилиш муддати — **2009 йил 21 апрелгача.**

Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) томонидан 1983 йилда Мавлянова (Адылова) Сабоҳат Анваровнага берилган МВ-1 №282261 рақамли, 11062 сон билан рўйхатдан ўтган диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ

Зўр ва ажойиб байрамимиз бор-да!

Нега зўр, нега ажойиб? Ахир, Наврўз байрами ҳаммамизники! Барча бирдай яйрайди, қувнайди, севинади, бахтиёр бўлади.

Наврўзга атаб оҳорли янги бир кийим кийиш, совға улашиш бир-бирига соғлик-омонлик тилашдек удумлар кўнгилни равшан қилади. Наврўзга атаб хайрия ҳашарларини ўтказишдек олижанобликка хорижликлар лол қолмоқда. Ўйлаб кўринг, ёлғизларни ёлғизлатиб қўймайдиган, кам таъминланганларни, боқувчисини йўқотганларни шундай кунларда ҳол-аҳвол сўраб борадиган удумларимиз қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетганки, бу олижаноблик, бу хайрихоҳлик, бундай инсонпарварлик қайда бор?!

Фарғона водийсида Наврўз тантаналари курашсиз ўтмайди. Полвонлар гиламга чиқишдан олдин оқсоқоллардан фотиҳа олишади.

Сойбўйи қишлоғида «Баққакўл» деган маҳалла бор. Дўппидек келади, кичкина. Шу масканда 76 ёшга кирган Ҳалима момо яшайди. У маҳалладаги бир уй хотинларни ишонтирди:

— Чимёнда ялпиз музни ёриб чиқибди-я...

— Йўғ-ей, лоф қиласиз...

— Аввалига мен ҳам ишонмадим, — жиддий гапира кетди Ҳалима момо. — Келиним Турдихон сойга сув олгани бориб кўзи тушиб қолибди. Айтувди, ишонмадим. Ўзим атайин бориб кўрдим. Мана ҳозир...

У камзулининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, авайлаб ёзди-да, иккита-учта ялпизни кўрсатиб, деди:

— Мана, мен сизларни алдамадим...

Баҳор даракчиси, Наврўз элчиси ялпиз қўлдан-қўлга ўтди, юз-кўзга суртилди.

«Ўрик гули» сайлига чиққанмисиз!

Бу сайл Ўзбекистон бўйича битта жойда — Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида, Ҳувайдо боғида оммавий тарзда кенг нишонланади. Бу тадбирда ёшу қари, оилавий, қавму қариндош, жамоалар иштирок этади. Қўшиқ-рақс, карнай-сурнай, ўйин-кулгу, шеърхонлик, аския авж олади. Халқ лапари-ю алёрлар боғ-роғлар, қир-адирлар бағрини тўлдиради.

Қир-адирларга ўрнатилган қозонлар, қумғонлар бир ҳафта давомида тинмай «вақирлайди». Чалпак-қатлама, кўкат сомсалар ейишнинг бир гашти, бир хумори бўлади-да!

Тўғри, ўрик ҳамма жойда гуллайди. Аммо Чимёндагидек бўлмайди. Тепаликдан, қир-адирдан оппоқ ўрик гули билан қопланган қишлоқни кўриб, ўрикнинг Ватани Чимёнмикан, дейсиз?!

Бундай гўзал манзара табиатнинг ажиб мўъжизаси... Ишонмайман дейсизми, унда Чимёнга келинг, «Ўрик гули» сайлида иштирок этинг.

«Тўпқўрғон» маҳалласида Патила она яшайди, ёшлари 65 дан ошган. Онахоннинг ажойиб одати бор. Ҳаммадан олдин юради. Одамлар буни кўриб «ёпирайлаб» қолади.

Бу ҳавойи ёки тўқима гап эмас. Ҳар йили Патила она жаг-жаг, ялпиздан қилинган сомсани қўшниларга илинади. Қумрихон она, Насибахон она, Саломатхон она, Сокинахон она, Фазилатхон оналар эса: «Вой, Патила тушмагур-ей, ялпиз, жаг-жагларни иссиқхонада пиширибдими», — дея ҳазил қилишади. Уни алқаб-алқаб дуо қилиб, кўкат сомсаларни ейишади.

— Бир куни кичик ликопчада ош киритворибди, — дейди Сокинахон она қўшниларига. — Ош устида «кавартек». Узум баргларини тузлаб, эплаб-сеплаб олиб қўйганини айтинг. Тан берасан-да...

Сумалакдан келинг. Патила она саккиз килограмм буғдойни элаб, тозалаб қўйган экан. Қўшниси Матлубахон ҳам тўрт килограмм олиб кириб қўшибди.

— Ўн икки килограмм буғдой ундираман, — дейди Патила она. — Ҳар йили нафақат маҳаллада, қишлоқда ҳам мен биринчи бўлиб сумалак соламан. Қизиқиш, ҳавас-да. Яхши ниятда. Бунинг ҳам ўзига яраша гашти, хумори борда. Шу кунларга етказганларига беадад шукур. Сумалакка келинглар, бир яйраб кетасизлар.

Фарғона туманидаги «Бўғирсоқ» номли 16-боғчага тўрт ёшли неварам боради. Исми Мухлисабону. Тили бийрон. Ҳар куни бир «янгилик» топиб туради:

— Боғчада сумалак солар эканмиз...

— «Ким чаққон, ким эпчил» ўйинини ўйнарканмиз...

— «Боғча гўзали» мусобақасида қатнашар эканман...

«Янгиликлар» кўпайиб кетди. Буларни ким айтди, десак «Холидахон, боғча опамиз-да» дейди.

Биз фахр, ғурур ва ифтихорга тўламиз. Қарангга, тўрт ёшли қизалоқ байрамга шунчалик тараддуд кўряпти-я.

Қонимизда бор-да!..

Наврўз боқий байрам-да!

Собиржон ДАДАХЎЖАЕВ,
Фарғона.

НОВДАЛАРНИ БЕЗАР ҒУНЧАЛАР

❖ Байрам таомлари

ГЎЖА ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Қорақалпоқ халқи азалдан Наврўз байрами кунларида гўжа тайёрлайди. Биз Наврўз гўжа ҳақида сўзлаб беришни Қорақалпоғистон Давлат ўлкашунослик музейи директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Светлана НУРАБУЛЛАЕВАдан сўрадик.

— Марказий Осиё халқлари Наврўзни қадим замонлардан буён энг улуғ байрам сифатида нишонлаб келишади. Наврўз фақат кун ва туннинг тенглашгани, йил бошининг биринчи куни бўлганлиги учунгина эмас, балки одамларнинг орзу-истаклари, мақсад ва режалари мужассамлашган, бўлғуси ҳосилга замин яратилиб, уруғ-дон экиш учун далага отланадиган палла бўлганлиги сабабли барча ушбу кунни интизорлик билан кутган ва кўтаринки руҳда нишонлаган.

Байрам кунлари қаҳратон қиш қийинчиликлари, ғам ва ташвишлари унутилган, одамлар дийдорлашиб бир-бирларини баҳорнинг улуғ куни билан табриклашган, эзгу тилакларини изҳор этишган ҳамда тўкин дастурхон атрофида ўйин-кулги қилишган. Байрам дастурхонига сув, туз, оқ жўхори, буғдой, қатиқ, ловия, мош солиб пиширилган гўжа қўйилган. Наврўз байрами гўжасиз ўтмаган. Бу миллий таомларимиздан бири ҳисобланиб, уни тайёрлаш жараёнида эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, аҳолининг фаровон турмуши учун эзгу ниятлар қилинган ҳамда она заминдан мўл ризқ-насиба ундираётган азамат деҳқонларнинг фидокорона меҳнатларига барака тиланган. Гўжага алоҳида эътибор қаратилганлигининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд: баҳор пайти ҳаёт учун зарур бўлган витаминлар инсон танасида камайиб кетади, организмга етишмаётган бундай моддалар гўжа таркибида бор. Гўжага тўйган одамнинг танасига қайтадан куч-қувват қуйилган. Бу таом таркибидаги моддалар қон босимини меъёрида сақлашда, ичак, жигар ва буйрак касалликларини даволашда, грипп асаб бузилиши ва қон таркибидаги ўзгаришларнинг олдини олишда ижобий таъсир этади. Гўжанинг бундай шифобахшлик хусусиятлари халқ табобатида ҳам, илмий тиббиётда ҳам исботланган.

Шунингдек, Наврўз сайли кунлари иссиқ нонлар, бўғирсоқлар, турли таомлар пиширилган. Қиз-йигитлар биргаликда дутор чалиб, қўшиқлар айтишган. Байрам томошаларида полвонлар кураши, қўчқор ва хўроз уришдириш, улоқ ўйинлари барчага завқ бағишлаган. Сайил кунларида урушлар ва жанжаллар тўхтатилган, гина унутилган. Кишилар қалбидан фақат эзгу ниятлар ўрин олиши лозимлигига эътибор қаратилган. Муҳтожларга, етим ва ногирон инсонларга моддий ёрдамлар кўрсатилган. Ҳар хил хайрия-совғалар тарқатилган.

Айнан Наврўз куни сайил ниҳоясида деҳқонлар даласига барака уруғини сепишган. Бу ишни биринчи бўлиб ёши улуғ кишилар бошлаб беришган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди.

«ФАЙЗОВА»ДАГИ ТЎЙЛАР

ёки Наврўзимиз ёр-ёрларга улангани ҳақида

Юртимизда Наврўзи олам кезмоқда. Янгиланиш, яшариш фаслига ҳамоҳанг янги оилалар ҳам дунёга келаётир. Бу йилги шодиёна Узун туманининг «Файзова» маҳалласида истиқомат қилувчи Маматовлар хонадони учун янада қувончли келди. Оила фарзанди Абдулҳаким ва Сарвинозхонларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

— Бугун биз учун қўшалоқ шодиёна, — дейди куёв Абдулҳаким Маматов. — Никоҳ тўйимиз Наврўз кунларида бўлаётганидан хурсандман. Бу ҳаётимизда бир умрга муҳрланиб қолади.

Шу куни мўъжазгина хиёбонда ўнга яқин янги келин-куёвларни учратдик. Бу эзгу байрамимиз Наврўзнинг ўзига хос рамзидай туюлди...

Фақат фаровон юртдагина тўйю тантаналар бўлади. Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, байрамга тўйлар улашиб кетаётганига гувоҳ бўласиз. Кўплаб ёшлар орзу-ҳавас билан айнан Наврўз айёмида тўйларини ўтказишмоқда.

Абдумалик БОТИРОВ.
Сурат муаллифи Муҳаммади ЖУМАЕВ.

❖ Спорт

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА — БОШ МУРАББИЙ

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг январида таниқли гимнастикачимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони Оксана Чусовитина газетамиз учун эксклюзив интервью берган эди. Унда машҳур спортчимиз Пекин олимпиадасидан кейин яна Ўзбекистон спорти ривожига ҳисса қўшишга қарор қилганлиги тўғрисида фикр юритганди. Эътиборлиси, 33 ёшида ҳам XXIX ёзги Олимпия ўйинларида чинакам маҳорат намойиш этган Оксана совриндорлар қаторидан жой олиб барчани ҳайратда қолдирди ва газетамиз орқали юртдошларимизга берган ваъдасининг устидан чиқди. Машҳур спортчимиз яқинда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Куни кеча Киевда ўтказилган халқаро турнир Оксана учун мураббийлик фаолиятидаги дебют мусобақаси вазифасини ўтади. Унда иштирок этган умидли спортчиларимиздан уч нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Ҳозирда Ўзбекистон гимнастикачилари навбатдаги Жаҳон кубоги баҳслари олдидан Оксана Чусовитина бош мураббийлигида Германияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ: КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Бу йилдан бошлаб ушбу мусобақада ғолиб ярим финалдан ташқари барча босқичда бир учрашув натижасига қараб аниқланади. Фақатгина ярим финал учрашувлари уй-сафар тизими асосида бўлиб ўтади. Бу эса ҳар бир ўйиннинг муросасиз кечишини таъминламоқда. Жумладан, Ўзбекистон кубогининг 1/16 финал баҳслари ҳам мухлисларни ҳаяжонга солди.

Куни кеча мазкур босқичдан жой олган бешта учрашув ўтказилди. Қизиқ томони, уларнинг учтасида ғолиб ўйиннинг асосий вақтида аниқланмади. Ғузорда «Шўртан» футболчилари «Андижон» жамоасини қабул қилди. Ўйиннинг асосий ва қўшимча вақтида дуранг қайд этилди — 1:1. Натижада ғолиб жамоа номи пенальтилар серияси билан маълум бўлди — 4:3.



Шунингдек, Олмалиқда «Олмалиқ» — «Насаф» жамоалари баҳси ҳам кўпчиликни ҳаяжонга солди. Учрашувнинг 21-дақиқасида мезбонлар ҳужумчиси Баҳром Ҳайдаров ҳисобни очди. Аксарият ишқибозлар ўйин шундай якунланишини тахмин қилаётган бир паллада «Насаф» жамоаси аъзоси Кенжа Тўраев 89-дақиқада ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Қўшимча 30 дақиқада ҳам ҳисоб ўзгармади. Пенальтилар серияси омад меҳмонларга кулиб боқди — 6:7.

Ўйиннинг асосий вақтида 3:3 ҳисоби қайд этилган «Бухоро» — «Машъал» жамоалари баҳсида 102-дақиқада рақиб дарвозасини аниқ нишонга олган мезбонлар пенальтилар серияси билан ҳожат қолдиришмади — 4:3.

Қолган икки ўйин эса қуйидаги натижалар билан якунланди: «Хоразм» — «Динамо» (Самарқанд) — 4:1, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 1:0.

Мусобақанинг ушбу босқичидан жой олган «Нефтчи» — «Металлург», «Навбаҳор» — «Пахтакор», «Динамо 01» (Қарши) — «Бунёдкор» жамоалари учрашувлари бошқа муддатга кўчирилди.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 22.00
Sotuvda erkin narxda